

Халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалари бўйича доимий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман ҳокими ўринбосари Х.Бердимуратовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-декабрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5890-сонли Фармонининг ижросини таминлаш бўйича 2022 йилнинг 9 ой мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланиб, соҳада амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Узун туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори С.Ходжиевнинг ҳам маърузаси тингланди.

Ҳисобот ва маърузадан келиб чиқиб, доимий комиссия раиси ва аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришдилар.





